

ЗАМОНАВИЙ ДУНЁ ТАРТИБОТИДА ИСРОИЛ ДАВЛАТИ

Худойкулов Алишер Облокулович

Мустақил изланувчи

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7179712>

Аннотация. Мазкур мақолада Ҳалқаро муносабатлар тизимида Истроил давлати ташқи сиёсий фаолиятининг устувор йўналишилари, мақсад ва вазифалари ҳамда асосий йўналишилари ёритилган. Шунингдек, Истроил ташқи алоқаларига таъсир кўрсатувчи омиллар таҳлили очиб берилган.

Калим сўзлар: ҳалқаро ҳамкорлик, давлатлараро муносабат, ташқи сиёсий фаолият, Яқин Шарқ минтақаси, минтақа давлатлари, кучлар мувозанати, сионистик мафкура.

ПОЛОЖЕНИЕ ИЗРАИЛЯ В СОВРЕМЕННОМ МИРЕ

Аннотация. В данной статье выделены направления, цели, задачи и основные направления внешнеполитической деятельности Государства Израиль в системе международных отношений. Также раскрывается анализ факторов, влияющих на внешние отношения Израиля.

Ключевые слова: международное сотрудничество, межгосударственные отношения, внешнеполитическая деятельность, ближневосточный регион, государства региона, баланс сил, сионистская идеология.

THE POSITION OF ISRAEL IN THE PRESENT WORLD

Abstract. This article highlights the directions, goals, objectives and the main directions of the foreign policy activity of the State of Israel in the system of international relations. It also reveals an analysis of the factors influencing Israel's foreign relations.

Keywords: international cooperation, interstate relations, foreign policy, Middle East region, states of the region, balance of power, Zionist ideology.

КИРИШ

Яқин Шарқ минтақаси кўп қутбли дунё тартиботида геосиёсий рақобат майдонига айланиб бораётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Бу геосиёсий рақобатда АҚШ, Россия ва Хитой сингари глобал кучлар билан бирга Туркия, Эрон, Истроил ва араб давлатлари каби минтақавий иштирокчилар ҳам мавжуд. Минтақадаги геосиёсий рақобатда глобал иштирокчилардан фарқли равишда минтақавий иштирокчиларнинг ҳар бири ўз иштирокини асослаш ва мустаҳкамлаш учун диний, тарихий ва лингвокултурологик омиллардан фойдаланишга ҳаракат қилиб келади. Улар орасида фақат Истроил на маданий, на тил ва на диний жиҳатдан бирор бир омилни кўрсата олмаса-да, энг фаол ва нисбатан муваффақиятли ташқи сиёсат юритаётган давлат ҳисобланади. Истроилнинг минтақадаги фаоллиги, эришаётган натижалари унинг азалий рақиблари бўлган Эрон ва араб давлатларининг манфаатларига мос келмайди.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Истроил давлати ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин ҳалқаро муносабатларда мустақил ташқи сиёсати шакллана бошлади ва ҳозирги кунда Яқин Шарқ минтақасидаги сиёсий жараёнларда мухим роль ўйновчи давлатлардан бири ҳисобланади.

Хусусан, замонавий жаҳон ва минтақавий сиёсатда мухим ўрин тутувчи Истроил давлатининг 1948 йил 14 майда Сионистик ҳаракат фаолияти ва дунёning етакчи кучлари

сиёсати натижасида ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Баш Ассамблеясининг 1947 йил 29 ноябрдаги 181/11-сонли резолюциясига мувофиқ ташкил топиши [1] XX асрнинг муҳим воқеаларидан бири ҳисобланади. Истроилнинг давлат сифатида шаклланиши ҳамда давлатларо муносабатга киришиши мураккаб ва ўзига хос шароитларда содир бўлди. Бугунги кунга қадар дунёда унга бўлган муносабат ноаниқлигича қолмоқда. Баъзи халқаро муносабатлар субъектлари учун бу давлат Яқин Шарқда пайдо бўлиши тарихий адолатсизлик бўлиб туялса, бошқалар учун унинг мавжудлигини инкор этиб бўлмаслиги билан характерланади.

1948 йил 14 майда қабул қилинган Истроил давлатининг Мустақиллик Декларацияси давлатнинг ҳуқуқий институтларининг шаклланиши ва фаолияти учун катта аҳамиятга эга. 1994 йилдан Мустақиллик Декларацияси ҳуқуқий мақоми белгиланди [2]. Бироқ, у императив қоидалар ва нормаларни ўз ичига олмаганлиги сабабли, айрим Истроил ҳуқуқшунослари томонидан ёзма конституция бўла олмаслиги таъкидланади.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Истроил давлатининг ташқи сиёсий фаолияти бўйича эксперт Аднан Адван мамлакатнинг минтақадаги ташқи сиёсатининг бош мақсади – минтақада сионистик ғояларга нисбатан душманона қарашлар тарқалишини чеклаш ва олдини олиш, дунёда янги ташкил топган республикаларда Истроилга нисбатан ишончли ҳамда кучли иттифоқчилик муносабатини шакллантиришдан иборат деб ҳисблайди.

Истроилнинг ташқи сиёсий фаолияти давлат ташкил этилгандан сўнг, сионистик мафкура асосида ташқи сиёсий фаолияти ва давлат бошқарувида бир қатор **элементлар** белгилаб олинган. Улар қуйидагилар:

- яхудий аҳолиси кўп бўлган яхудий ҳудудини яратиш ва сақлаш;
- биринчи навбатда иқтисодиётни ривожлантириш;
- йирик давлатларнинг сиёсий қўллаб-қувватлашига эришиш ва сақлаш;
- “ҳеч қачон синдроми” нинг ривожланиши, яъни яхудийлар ҳеч қачон ўзларини ҳимоя қила олмайдилар (*ҳарбий қурол сотиб олиши ва ядрорий қурол ишлаб чиқарии*);
- атрофдаги душман бўлган араб аҳолисига нисбатан Истроилнинг демографик пастлиги ва географик жиҳатдан ҳудуднинг кичиклиги асимметриясини қоплаш учун мудофаа сиёсатини ишлаб чиқиши;
- давлат фаровонлигини таъминлаш учун етарли бўлган сув, хомашё ва бошқа ёқилғи маҳсулотларини мамлакатга киришини таъминлаш;
- иложи борича қўшнилар билан муросага келиш ва минтақавий экзистенциал таҳдидларни заарсизлантириш [3].

Бугунги кунда Истроил давлати ташқи сиёсатининг асосий **йўналишлари** қуйидагилар ҳисобланади:

- араб дунёси (биринчи навбатда қўшни, Иордания, Миср, Сурия, Ливан давлатлари) анъанавий душман сифатида;
- АҚШ асосий стратегик ҳамкор сифатида;
- Россия Яқин Шарқдаги янги ҳамкор сифатида.

Истроил давлати ташқи сиёсий фаолиятининг асосий **тамойиллари** эса:

- Истроил давлати ва унинг фуқаролари хавфсизлигининг устуворлиги (*ҳар қандай ташқи тажсовуз, сепаратизм ва экстремизмга қарши қурашиш*);

- куч назорати (*Исроил давлатининг хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини сақлаш учун қўйни давлатларга ва Фаластин маъмурияти раҳбариятига кучли таъсир кўрсатишнинг зарурати*);

- минтақада буюк давлатларнинг кучлар мувозанатини сақлаш (*АҚШнинг Яқин Шарқдаги таъсирини мустаҳкамлаш учун янги имкониятларни (ҳам дипломатик, ҳам савдо-иктисодий) излаш, шу жумладан - Россия Федерацияси ва Европа Иттифоқи ёрдами билан давлатнинг тўлиқ суверенитетини тиклаш*);

- ҳудудий имтиёзлардан воз кечиши (“ер эвазига тинчлик”) [4].

Исроил давлати ташкил этилгандан сўнг, Араб Лигасининг бойкотларига ва давлатни дипломатик равищда изоляция қилишга уринишларга дуч келди. Бугунги кунда, Исроил Бирлашган Миллатлар ташкилотига аъзо давлатларнинг 164 таси, шунингдек, Муқаддас Тахт (*Holy See*), Косово, Кук ороллари (*Cook Islands*) ва Ниуе билан дипломатик алоқаларни амалга ошириб келмоқда. Айрим давлатлар Исроилни давлат сифатида тан оладилар, аммо дипломатик алоқаларга эга эмаслар. Бир пайтлар Куба ва Венесуела, Араб Лигасидан Мавритания, Мали ва Нигер, Малдив ороллари ва Ислом инқилобигача Эрон Исроил билан дипломатик муносабатларга эга бўлган [5], аммо ҳозирги кунда алоқалар тўхтатилган. Бундан ташқари, Исроил билан ўз вақтида расмий иқтисодий алоқаларга эга бўлган (*биринчи навбатда, савдо идоралари*) бир қатор давлатлар (*Араб Лигасининг барча аъзолари*) кейинчалик тўлиқ дипломатик алоқаларга эга бўлмаган ҳолда бу алоқалари узилган (*Марокоши, Уммон, Қатар ва Тунис. Марокоши 2020 йилда алоқаларни янгилади ва дипломатик муносабатлар ўрнатилди*).

Таҳлил натижаларига кўра, Исроилнинг ташки алоқаларига, биринчи навбатда, Яқин Шарқда сақланиб қолаётган сиёсий вазият, араб-исроил можароси ҳамда Эроннинг ядервий дастури таъсир кўрсатади. Шунинг учун, Исроилнинг ташки сиёsatдаги мақсадлари дипломатик изоляцияни енгib ўтиш ва Яқин Шарқ минтақасида ҳам, ундан узокроқда ҳам имкон қадар кўпроқ давлатлар томонидан тан олиниши ва дўстона муносабатларига эришиш ҳисобланади. Исроил миллий мақсадларга эришиш учун очиқ ва яширин дипломатияни амалга оширади. Мисол учун, тижорат савдоси ва илмий-техникавий ҳамкорлик, хомашё импорти, ҳарбий-техник ҳамкорлик, шунингдек, унинг иттифоқчилари билан разведка соҳасида алоқаларни ўрнатиш ва мустаҳкамлаш, ҳарбий асирларни алмашиш ва гаровга олингандарни озод қилиш бўйича бир қатор тадбирларни амалга ошириб келмоқда.

Шу билан бирга, Исроилга яхудийларнинг иммиграциясини кучайтиришга ва диаспорадаги заиф яхудий жамоаларини ҳимоя қилишга ҳамда ривожланаётган мамлакатларга ёрдам кўрсатиш ва йирик оғатларга дуч келган давлатларга гуманитар ёрдам беришга ҳаракат қилди.

МУҲОКАМА

Хулоса сифатида айтиб ўтиш жоизки, бугунги кунда Исроил давлати мураккаб геосиёсий ўзгаришларни бошдан кечирмоқда. Бу биринчи навбатда, Исроилнинг қўйни араб давлатлар, жумладан, Фаластин билан конфликтли муносабатларининг давом этиб келаётганилиги билан боғлиқ.

Исроилнинг халқаро майдонда кўп томонлама ташки сиёsatини олиб борища ва хорижий давлатлар билан сиёсий, иқтисодий ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни

ривожлантиришда, шунингдек, халқаро муносабатларда ўз позициясини мустаҳкамлашда халқаро ва минтақавий ташкилотлар муҳим халқаро институт ҳисобланади.

ХУЛОСА

Исройлнинг араб давлатлари билан муносабатларида салбий тенденция сақланиб қолаётган бўлса, етакчи давлатлар, жумладан, АҚШ, Хитой, ЕИ давлатлари ва Россия билан алоқалари мустаҳкамланиб бормоқда. Шунингдек, Исройл етакчи давлатлар ва янги ташкил топган республикалар билан сиёсий, иқтисодий ва хавфсизлик соҳаларидаги алоқаларни ривожлантиришдан манфаатдор.

REFERENCES

1. Charles D. Smith. Establishment of the State of Israel – 2001. // <https://www.encyclopedia.com/politics/>
2. Martin Kramer. How Israel's Declaration of Independence became its Constitution. – Jerusalem: Mosaicmagazine, 2021.
3. Корнилов А.А. Внешнеполитические приоритеты государства Израиль в начале XXI века. – Нижегородский государственный университет, 2003. С. 328-337
4. Камилова Ф. И. Приоритетные направления внешней политики Израиля. – М.: МГУ имени М.В. Ломоносова, 2018.
5. Foreign relations of Israel // <https://en.wikipedia.org/wiki/>